



## SHIMOLI - G'ARBIY HARBIY OKRUG

230103, Nukus sh., Vatanparvar ko'chasi, telefon/faks: (61) 226-50-37, 226-56-60. SZVO@cxat.uz

2023 yil « 06 » 02

№ 5/5/23

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИ  
Мурад Исмаилович Курбановга

### Хурматли Мурад Исмаилович!

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ кўмондонлиги Сизга Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган ҳарбий қисм ва муассасалар ҳарбий хизматчилари тиббий таъминотини ташкиллаштиришда ҳамкорликда олиб бораётган ишларингиз учун миннатдорчилик билдириб, келгуси эзгу амалларингизга ривож тилайди.

Чунончи, Сизнинг раҳбарлигингизда ташкил этилиб амалга оширилаётган Нукус шаҳрида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига кўрсатилаётган тиббий хизмат (тиббий кўрик, тез тиббий ёрдам, санитария-эпидемиологик назорат) ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини соғлиғи тез тикланиши ва беморларнинг асоратсиз соғайишига омил бўлиб келмоқда.

Ушбу ҳамкорликда олиб борилаётган чора-тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг жонажон юртимиз тинчлигини сақлаш ва Қуролли Кучларимиз мудофаа қобилиятига кўшган ҳиссаси деб биламиз.

Сиздан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 31 йиллиги муносабати билан Ватанпарварлик ойлигига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора тадбирлари тўғрисида”ги Ф-92-сонли фармойиши талаблари ижросини таъминлаш мақсадида “Соғлом она – соғлом бола” дастури доирасида округ кўшинлари ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини Нукус ҳарбий госпитали базасида чуқурлаштирилган тиббий текширишни сифатли амалга ошириш учун 2023 йил 10 январь куни онколог, маммолог, гинеколог, колпоскопист, эндокринолог ва стоматолог мутахассислари билан таъминлашда амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Хурмат билан,

ШИМОЛИ-ҒАРБИЙ ҲАРБИЙ ОКРУГ  
ТИББИЙ ТАЪМИНОТ ХИЗМАТИ БОШЛИГИ  
К.Машарипов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ  
KIRIS № 12/14  
“ 09 ” 01 2023 j.